2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 246 (768), 2022 йил 2 декабрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Тошкент вилоятининг тупроғи унумдор, суви мўл. Бундан самарали фойдаланилса, ҳосилдор боғ ва токзорлар барпо этиш, интенсив сабзавотчиликни йўлга қўйиш, одамларнинг бандлигини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 10 сентябрдаги "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, Тошкент вилоятида 2023 йилда 9 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, 25 сотихдан аҳолига берилади. Бу 60 мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан, мутахассислар иштирокида Тошкент вилоятида фойдаланилмаётган имкониятлар ўрганилди ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда ана шу таклифлар ҳақида ахборот берилди. Унга кўра, вилоятда 62 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш ҳисоб-китоб қилинган. Уларда яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга қўйиш, сув кам талаб қиладиган мойли, дуккакли ва озуқа экинлари етиштириш, чорва боқиш мўлжалланган.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг ҳар бир тумани мева-сабзавотчилик, картошкачилик, узумчилик каби муайян тармоққа ихтисослаштирилади. Масалан, Оҳангарон, Тошкент, Зангиота, Паркент, Янгийўл, Қибрай туманларида қарийб 5 минг гектарда интенсив усулда сабзавот етиштириш, Бўстонлиқ, Янгийўл, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Бекобод, Чиноз, Оққўрғон туманларида 1 минг 300 гектар ерни боғ қилиш, Паркент, Қибрай ва Пискент туманларида 2 минг гектардан зиёд токзор барпо этиш мумкинлиги айтилди. Ўрта Чирчиқ, Тошкент ва Бўстонлиқ туманларида "in-vitro" лабораториялари ташкил этиб, уруғлик картошка етиштириш мўлжалланган. Умуман, мазкур чора-тадбирлар натижасида 24 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Президентимиз бу чора-тадбирларни маъқуллаб, уларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

...Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## КОНСТИТУЦИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ




**Конституция мамлакатимизнинг асрий қадриятлари ва анъаналари, миллий қонунчилик ва менталитетини намоён этибгина қолмай, келгусидаги барқарор ривожланиш ва жамият фаровонлигини таъминловчи, тарихий, ҳуқуқий ва сиёсий-мафкуравий ҳужжатдир. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда".**

Кишилик жамияти вужудга келиши ва шаклланиши давлатчилик асосларига туртки бўлган. Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат инсоният томонидан асос солинган давлат ва жамият ҳаётининг энг олий шаклларидир.

Фуқаролик жамияти — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юксак даражада таъминланган жамият.

Жамият ва мамлакат равнақи унинг иштирокчилари ҳаракати билан амалга ошади. Бу жараёнда эса жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутади. Бевосита шоҳиди бўлиб турганимиздек, Ҳаракатлар стратегияси билан бошланган инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги оқилона бошқарув сиёсати ва кенг қамровли ислоҳотлар бугун Тараққиёт стратегияси асосида жадал давом эттирилмоқда. Бу, албатта, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатлар бериш билан узвий ҳолда кечмоқда.

Давоми 3-бетда

ГЛОБАЛ ФОРУМ ОЛДИДАН

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ

### ҲАЁТ МОБАЙНИДА ДАВОМ ЭТАДИГАН ВА ТУРЛИ ЁШДАГИ ШАХСЛАРГА БИРДЕК ТЕГИШЛИ БЎЛГАН МАЪРИФИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁН

GLOBAL FORUM ON HUMAN RIGHTS EDUCATION

**5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳри яна бир йирик тадбирга мезбонлик қилиши кутилмоқда. Бу ерда "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусида глобал форум бўлиб ўтади.**

Форумдан кўзланган асосий мақсад БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича жаҳон таълим дастури амалга оширилишининг оралиқ натижаларини сарҳисоб қилишдан иборат.

Шунингдек, айни соҳадаги илғор тажриба ва инновацион ёндашувлар тақдимотини ташкил этиш, таълим тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Давоми 5-бетда

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ



## "АҚЛЛИ" ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### замину ҳуқуқ, мулку мерос, деҳқону даромад масалаларини ҳал этишда қандай ўрин тутади?

**Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, уларни ишлаб чиқариш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизини ташкил этади. Бу маълумотлар ҳам ой ўтган сари ўзгариб, янада кенгроқ қамров касб этиб боряпти. Чунки рақамли иқтисодиётни шакллантириш зарур инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этса-да, аксар давлатлар унинг энг замонавий жиҳатларини қўллашга, шу орқали ривожланишга эришишга интилмоқда. Замонавий инновацион технологияларни фаол татбиқ этиш мамлакатимиз тараққиётининг ҳам энг устувор вазифаларидан бири саналади. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам.**

Давоми 4-бетда



Шарлотта АДРИАН:

## "ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ"



**Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган ҳамда мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинган учрашувдан сўнг Европа Иттифоқининг Тошкентдаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотта Адриан "Дунё" АА мухбирига интервью берди.**

— Биз Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий дипломатия ҳамда ўзаро алмашувни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик. Фойдали, самарали фикр алмашув бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга тақдим этилган "GSP+" умумий имтиёзлар тизими доирасидаги ишлар ўзаро муносабатларимизнинг муҳим масалаларидан биридир.

Давоми 2-бетда

БУНЁДКОРЛИК



## ЧЎЛ БАҒРИДАГИ ЯШИЛ ШАҲАР

**Марказий Фарғонанинг чўл сарҳадларида Ёзёвон тумани ташкил этилганига етмиш йил бўлди. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бу ҳудуд ҳақида гап кетса, "қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди", дея таъриф берилган.**

Ўша йиллар бугунги иш амалларга қиёсланса, ер билан осмонча фарқ бор. Чунки яхши умидлар, эзгу мақсад йўлида бу ерни ватан тутган ёзёвонликлар чўл ерларини ўзлаштириб, обод масканга айлантирди. Эндиликда бу жойларни "чўл" дейиш мушкул.

Давоми 2-бетда

## Шарлотта АДРИАН:

# “ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ”

Бошланиши 1-бетда

Ишлар изчил давом этмоқда, ҳаётга фаол татбиқ этилмоқда, бироқ айни пайтда биз Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдони янада ривожлантириш, Ўзбекистон маҳсулотларининг Европага экспортини кўпайтириш учун “GSP+” салоҳиятидан янада кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқчимиз. Нафақат ҳажмларни ошириш, балки экспорт қилинадиган товарлар турини кенгайтириш бўйича ҳам фикр алмашдик. Бу масала жуда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, учрашув чоғида 18 ноябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” биринчи конференцияси якунлари муносабати билан транспортнинг ўзаро боғлиқлиги, транзит инфратузилмасини ривожлантириш,



рақамлаштириш, энергетика ва бошқа йўналишларда очилган янги ҳамкорлик истиқболларини ҳам муҳокама қилдик. Биз Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ва албатта, Ўзбекистон билан муносабатларни қандай чуқурлаштириш мумкин, деган масала устида иш юритмоқдамиз.

Шунингдек, Самарқандда ўтган анжуманда муҳокама қилинган масалалардан бири ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлди. Бу борада янги қўшма корхоналар ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Европа Иттифоқи Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг рақамли трансформациялар, бизнес муҳитини янада яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Булар иқтисодий ривожланиш, янги корхоналар ташкил этиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш учун жуда муҳим.

**“Дунё” АА**

## БУНЁДКОРЛИК



# ЧЎЛ БАҒРИДАГИ ЯШИЛ ШАҲАР

Бошланиши 1-бетда

Кенг ва равон йўллар, замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари қурилди. Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган бунёдкорликлар нафақат туман маркази, балки олис қишлоқларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Гўзал қишлоқ ва маҳаллалар, хизмат кўрсатиш соҳалари мужассам бўлган мажмуалар, спорт, дам олиш иншоотлари, боғча, мактаблар, қўйингки, ҳамюртларимиз кундалик ҳаёт тарзи учун яратилаётган имкониятларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Кўлами кенг эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида ҳаётга татбиқ этилган, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Марказий Фарғона ерларига янги ҳаёт нафасини олиб кирди.

“Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 65,8 гектар ерда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви минглаб оилалар учун яшаш ва меҳнат маскани сифатида бўй кўрсатмоқда.

— “Янги Ўзбекистон” массиви учун айнан Юқори Сойбўйи ҳудуди танлаб олингани бежиз эмас, — дейди туман қурилиш бўлими бошлиғи Жавлон Мамажонов. — Мазкур ҳудуд шимол томондан кўҳна Марғилон, ғарбда қадимий Қўқон, шарқда Андижон, жанубда Наманган вилоятлари билан боғланган мустаҳкам инфратузилмага эга. Бу аҳоли ва туристлар оқимини кўпайтириш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Йўл бўйларида қад кўтараётган кўпқаватли уйларнинг пастки қисмида миллий ҳунармандлик марказлари, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари, уй меҳмонхоналари қурилади. Янги уйлар энергия тежамкор бўлиб, барча иситиш ва ёритиш тизими қуёш панеллари ёрдамида бошқарилади. Бу ерда 4 босқичда жами 138 та 5 ва 7 қаватли 3856 хонадонли уй қурилади.

Ёзёвон кузининг изғирини этни жунжиктиради. Қуюқ туман тарқаб улгурмаган бўлса-да, қурувчилар бунёдкорлик ишлари билан банд. Ер қазиётган бульдозерлар, пойдевор тиклаётган, ғишт тераётган қурувчилар ҳаракати бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ. Яқинда пойдевори тикланган ўнлаб кўпқаватли уйларда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Биринчи босқичда 36 хонадонли икки кириш йўлакли, беш қаватли уй қурилишини якунлаяпмиз, — дейди “Фар уч бинокор элит“ МЧЖ иш бошқарувчиси Сарваржон Холматов. — Янги уйларни мустаҳкам, сифатли ва арзон қилиб қуришга эътибор қаратяпмиз. Корхонамизда ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Эндиликда бетон плиталари тайёрлаш тармоғини ишга туширяпмиз. Натижада янги уйлар қурилиш ҳажми янада ошади, сифати яхшиланади.

Биринчи босқичда 33 та 5 ва 7 қаватли уй-жойлар қурилади. Қурилиш ташкилотларига қулайлик яратиш, жараённи тезлаштириш мақсадида бир километрга яқин масофага электр тармоғи тортилди, 25 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, ичимлик сув олиб келинди, 2 километрдан ортиқ ички йўллар шағаллаштирилди.

— Бу ерга келин бўлиб тушганимга 31 йил бўлди, — дейди пиёдалар йўлаги бўйлаб келаётган Ҳурматой Қаҳҳорова. — Тиббиёт бирлашмасида ишлаб, нафақага чиқдим. Тўғриси, бундай катта қурилишларни кўрмагандим. Уйимизга яқин бўлгани боис, тез фурсатда бўй кўрсатаётган уйларни кўриб, ҳавасимиз келади. Шу боис, қўни-қўшнилар тўпланиб, қуриб битказилган янги уйларни кўргани ҳам бордик. Ҳамма қулайликлар мужассам, жуда кўркам, чиройли. Улар мақбул нархларда узоқ муддатга имтиёзли кредит асосида берилишини эшитиб, янада хурсанд бўлдик. Бундан ташқари, ёнида мактаб ва боғча қурилаётгани айни муддао. Яқинда келин тушираман, насиб қилса, янги оила ўз ҳаёт йўлини мана шу янги уйларда бошлайди.

Ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳар лойиҳаси чўл бағрига улуғворлик олиб кирмоқда. Умумий майдони 3,8 гектар “Янги Ўзбекистон” боғига минг тупдан ортиқ турфа манзарали дарахт экилди. Боғ ҳудудида 250 ўринли маданият уйи, тиббий клиника, умумий овқатланиш шохобчалари, ёшлар маркази қурилади. Айни кунда 990 ўринли 1 та умумтаълим мактаби, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши жадаллик билан олиб борияпти.



Ёзёвонда қурилиши бошланган “Янги Ўзбекистон” массивининг яна бир ўзига хос жиҳати, яшаш манзилига узоқ бўлмаган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларининг қурилаётганидир. Массивнинг 10 гектардан ортиқ кичик саноат зонасида “Posco international Textile” корпорацияси ташаббуси билан ташкил этилган “Posco агро Ёзёвон” пахта-тўқимачилик кластери пахта тозалаш, чигитни қайта ишлаш, тўқув ва сунъий тола ишлаб чиқариш заводи қурилишини бошлади. Эндиликда хом ашё шу ерда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот тариқасида ички ва ташқи бозорларга сотилади. Яшаш масканига туташ ҳудуддаги икки гектардан ортиқ майдонда қурилиши белгиланган замонавий иссиқхоналар аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, йилнинг тўрт фаслида ҳам сархил сабзавот экинлари етиштириш имкониятини беради.

— Бундан ўн йиллар аввал туманимизда 5-7 қаватли уй-жойлар қурилишига ҳеч ким ишонмасди, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. — Сабаби, вилоят марказидан олисда бўлган ҳудудларга бундай катта инфратузилма тармоқлари олиб келиш ва қуриш, игна билан қудуқ қазиш билан баробар эди. Шу боис, бир хил қолипда, оддий шарт-шароитлар етарли бўлмаган пастқам уйлар қуриш анъанага айланган. “Янги Ўзбекистон” массивининг бунёд бўлиши, нафақат бу ҳудуд, балки атроф қишлоқлар, одамлар турмуш тарзига ўзига хос ўзгаришлар олиб киради. Масалан, 28,4 километр электр, 19 километр оқова сув тармоқлари тортилади, сув иншооти қурилиши белгиланган. Табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1,8 километр газ қувурлари тортиш, юқори ва ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари ишга туширилади. 1 та марказий қозонхона, 11 километрдан ортиқ иссиқлик қувурларини ётқизиш юзасидан зарурий чоралар белгиланиб, сармоялар ажратилмоқда. Бу айтишга осон. Аммо унинг замирида янги иш ўринлари, ободлик, фаровонлик анъаналари мужассам.

Инсоннинг қўли гулга қиёсланади. Буни ибратли ҳаёт амаллари билан юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган, чўлни-да гулистонга айлантираётган ёзёвонликлар иш амалларидан илғаб олиш қийин эмас.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири.**
*Шерзод Қорабоев*
*олган суратлар.*

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

**Самарқанд шаҳрида 1 декабрь куни Ўзбекистон — Россия бизнес форуми бошланди. Унда икки давлат вазирлик ва идоралари, минтақалари, тармоқ бирлашмалари ва уюшмалар раҳбарлари, шунингдек, 500 дан ортиқ етакчи компания ва корпорациялар вакиллари иштирок этмоқда.**



Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Ходжаев ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Решетников мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, қўшма сармоявий лойиҳалар сони ортиб, узоқ муддатли савдо-иқтисодий алоқалар кўлами кенгаймоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмоқда. Жумладан, сўнгги беш йилда товар айирбошлаш 170 фоизга ўсди, 2021 йил охирига келиб эса яна учдан бир қисмга кўпайиб, 7,5 миллиард доллардан ошди. Яқин орада бу кўрсаткични 10 миллиард долларга етказиш ва бундан икки томон ҳам манфаатдор экани билдирилди.

Томонлар кейинги йилларда инвестициявий ҳамкорлик ва саноат кооперацияси фаоллашганини юқори баҳоладилар. Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар сони кейинги беш йилда уч баробарга кўпайиб, 3000 тадан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда нефть-кимё, энергетика, кон-металлургия, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек, мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳаларида Россия компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 20 миллиард доллардан ортиқ бўлган икки юзга яқин қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Форумда икки мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларида, жумладан, автомобилсозлик, кимё ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Бизнес-форум бир қатор шуъба мажлисларида давом этди. Уларда асосий эътибор саноат кластерларини ҳамкорликда ривожлантириш, саноат занжирини шакллантириш, ёнилғи-энергетика соҳасида йирик лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, транспорт саноатидаги ҳамкорлик, агросаноат тармоғида кичик ва ўрта бизнес вакилларининг алоқаларини кенгайтириш, замонавий ахборот технологиялари ва савдо-иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, форум доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида учрашувлар ташкил этилиб, уларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ўзаро манфаатли савдо шартномаларини тузиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” номи остида кўргазма ҳам ташкил этилиб, унда мамлакатимизнинг саноат салоҳияти намойиш қилинмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## МУНОСАБАТ

# ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

## ҲЕЧ ҚАЧОН ОМБОРДА ТУРИБ ҚОЛМАЙДИ

**Мана, икки йилдирки, Президентимиз тадбиркорлар билан юзма-юз учрашиб, очиқ мулоқот қилмоқда. Халқона айтганда, дардимизни тинглаяпти. Фаолиятимизга тўсқинлик қилаётган масалалар билан қизиқиб, уларга ечим топиб бермоқда. Жумладан, жорий йилги учрашувда бизнесни молиялаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ юкини камайтириш, ер ажратиш, инфратузилмани яратиш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, транспорт логистикаси хизматларини яхшилаш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш каби еттита муҳим йўналиш кўрсатиб ўтилди.**

Булар ишбилармонларнинг айни дилидаги гап бўлди. Чунки мазкур йўналишлар соҳа ривожи учун энг долзарб масалалар эди.

Бизнес қоидаси ҳам, инвестор мақсади ҳам оддий: қаерда фаолиятга халақит қилувчи омиллар бартараф этилган бўлса, ўша ерга маблағ тикилади. Бу ўша жойда янги ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлади, янги иш ўринлари яратилади, одамларнинг турмуш шароити яхшиланади, дегани.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлар ҳар қачонгидан эркин ишлаб, даромад топяпти. Фаолияти туфайли элу юртга нафи тегяпти. Бу соҳа вакилларига қаратилаётган эътибор, ишбилармонлар ташаббуси шахсан давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланаётгани натижаси, албатта.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида фаоллар билан учрашув аввалидаёқ “Бугунги учрашувимиздан энг катта мақсад-муддаомиз — очиқ мулоқот. Навоий вилоятидаги 330 маҳалла, 1 миллион 50 минг аҳолининг дардини бaралла айтиб, чорасини топишимиз керак.

Ҳурматли депутатлар, нуронийлар, ўғил-қизларим, юракдаги гапларингизни, жойлардаги муаммони очиқ айтсангиз, менга дўст бўласизлар. Ҳамма масалаларга халқимиз билан бамаслаҳат ечим топсак, натижа бўлади. Бу учрашувдан мен ҳам рози бўлайин, халқимиз ҳам рози бўлсин”, деди. Амалда шундай бўлди ҳам.



Ўша куни Президентимиз “Zarafshon Oyna” корхонамизни расман ишга тушириб берди. Жамиятимиз республикамизда ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган учта корхонадан бирига айланди. Бу бизга фахр баробарида зиммамизга улкан масъулият ҳам юклади.

Биласиз, бугунги кунда юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Нафақат шаҳар марказлари, балки олис ва чекка туманларда ҳам кўп қаватли иморатлар, турли ижтимоий объектлар қад ростлаяпти. Бу қурилиш ашёлари, хусусан, ойна маҳсулотларига эҳтиёж ортиб боришидан далолат.

Бугун юртимизда қурилиш ойнасига талаб йилига 38 миллион квадрат метрни ташкил этади. Вилоятимизда эса уни ишлаб чиқариш учун зарур хомашёлар етарли. Мазкур йўналишни танлашимиз сабабларидан бири ҳам шу, аслида.

Корхонамизнинг умумий ҳудуди 38 гектар, шундан ишлаб чиқариш майдони 28 гектар. Лойиҳани рўёбга чиқариш учун 250 миллион АҚШ доллари йўналтирилган. Шундан 175 миллион доллари таъсисчиларга тегишли бўлса, қолган қисми кредит маблағидир.

Ишлаб чиқариш ускуна ва жиҳозларимизнинг бари замонавий бўлиб, Германия, Франция, Италия, АҚШ, Бельгия ва Япониядан келтирилган. Улар ёрдамида йилига 12 миллион метр квадрат силлиқ шиша листи ишлаб чиқарилади ва унинг ярми ташқи бозорга йўналтирилади. Бюджетга йиллик тушум эса 25 миллиард сўмни, ишчилар сони 700 нафарни ташкил этади.

Аслида корхона ташкил этилишидан мақсад ҳам шу — кенг турдаги сифатли шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали импорт ҳажмини камайтириб, экспортни йўлга қўйиш эди. Бевосита Президентимиз тавсияси, қўллаб-қувватлови туфайли бугун шу мақсадларимизни амалга ошиаяпмиз. Яъни ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг ярми ички бозорга, қолгани хорижлик буюртмачиларга етказиб берилади.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда жорий йилнинг январь-октябрь ойларида қурилиш материаллари корхоналари томонидан 2 триллион 193,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилибди. Ўйлайманки, бу борадаги кўрсаткич барқарор ортиб бораверади. Чунки бугун бозорда бундай маҳсулотларга талаб юқори. Талабгир маҳсулот эса ҳеч қачон омборда туриб қолмайди.

**Ғайрат МЎМИНОВ,**
**Зарафшон шаҳридаги “Zarafshon oyna” масъулияти чекланган жамияти раҳбари**




www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МИҚЁСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ УЧУН ЎТА ЗАРУР БЎЛГАН ЭНГ САМАРАЛИ АМАЛИЁТ. У ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ, ДАВЛАТНИНГ АЛОҲИДА ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ БОШҚА ОРГАНЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЮРИТИЛАДИГАН ФАОЛИЯТДИР.**

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ





**Фозилжон ОТАХОНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этиши эса жамият ҳаётининг демократик жараёнлар билан боғлиқ асослари чуқур илдиз отиб, мустаҳкамланиб бораётганини англатади. Президентимиз таъбири билан айтганда, **муҳим ижтимоий омиллардан бири — жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмига айланди.**

Бугун шунчаки жамоатчилик назоратини эмас, балки **таъсирчан жамоатчилик назоратини** ривожлантириш масалалари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йиллар мобайнидаги ривожланиш йўлининг асоси ҳисобланган муҳим ҳужжат — **Тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”** номли **биринчи устувор йўналиши**да алоҳида мақсад сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани бежиз эмас.

Чунончи, Тараққиёт стратегиясининг 12-мақсади **“Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”** деб номланиб, *унда **жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш, айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш*** масалалари ўз ифодасини топди.

Саъй-ҳаракатлар натижасида жамоатчилик назоратини янги босқичга олиб чиқиш, ҳар бир соҳада унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки жамоатчилик назоратини кенгайтириш жамият тараққиётининг барча жабҳасида юқори самара бериши шубҳасиз.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шу ўринда **“Жамоатчилик назорати нима?”, “Ўзбекистонда унинг ҳуқуқий асослари қандай?”, “Уни кимлар амалга оширади?”, “Қандай фаолиятлар устидан жамоатчилик назорати олиб борилади?”** каби саволлар туғилиши табиий.

**Жамоатчилик назорати — жамият ва давлат миқёсида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда адолатни қарор топтириш учун ўта зарур бўлган энг самарали амалиёт.** У жамоатчилик назорати субъектлари томонидан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, қонунларга мувофиқ, давлатнинг алоҳида ваколатларини амалга оширувчи бошқа органлар ва ташкилотлар ишини назорат қилиш мақсадида юритиладиган фаолиятдир.

Жамоатчилик назорати институтининг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетганда, аввало, **Асосий қонунимизнинг 32-моддасини** келтириб ўтамиз. Унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланиши ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган.

Бош қонунимизда жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари ҳақидаги конституциявий нормаларни “Жамоат бирлашмалари” номли XIII бобда, “Оммавий ахборот воситалари” деб номланган XV бобда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бағишланган 105-моддада кўришимиз мумкин.

Шунингдек, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунларда ҳамда соҳага доир бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур институтнинг ҳуқуқий асослари белгиланган ва тизимли равишда такомиллаштириб борилмоқда.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ

Жамоатчилик назорати субъектлари **фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,** шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган **нодавлат нотижорат ташкилотлар** ва **оммавий ахборот воситалари**дир. Жамоатчилик назорати **жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари** ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2022 йил 1 октябрь ҳолатида **35,8 миллион** киши бўлиб, жамоатчилик назоратини фаол амалга ошириш имкониятига эга бўлган 15 ёшдан юқорилар **24,7 миллион**дан иборат. Ҳозир юртимизда **9349** фуқаронинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтган **9077** та нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, миллий ахборот маконида оммавий ахборот воситалари сони **1962** тани, интернет нашрлари **733** тани ташкил этади.

Юқоридаги рақамлар жамоатчилик назорати жуда катта куч бўлиб, уларда ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали мунтазам, тизимли ва самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти мавжуд эканидан далолат беради. Бунга яна давлат томонидан уларнинг сонини кўпайтириш ва фаолиятини кенгайтириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор берилаётганини инобатга олсак, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан давлат органлари ҳам манфаатдор экани яққол намоён бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки халқ тили билан **маҳалла** деганда, Президентимиз таъкидлаганидек, **дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб ижтимоий тузилмани тушунамиз.** Жорий йилда **фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, 1860** маҳалла биноси қурилди, **33** маҳалла биноси реконструкция қилинди, шунингдек, маҳалла биноларидан **361 таси** жорий ва **97 таси** капитал таъмирланди, **721** маҳалла компьютер техникаси ва **771** маҳалла мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, ветеранлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари **жамоат бирлашмалари** сифатида сўнгги йилларда жамоатчилик назорати субъектлари кенг кўламли фаолиятни амалга оширмоқда. Таъкидлаш жоиз, босма ва электрон **оммавий ахборот воситалари** — газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар бугун халқ овози, том маънода, **“тўртинчи ҳокимият”**га айланмоқда.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИ ВА ШАКЛЛАРИ

Жамоатчилик назорати объекти, яъни жамоатчилик назорати субъектлари томонидан назорат қилинадиган фаолият турлари давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, ривожланишнинг давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга доир фаолиятидир. Бунга барчанинг ёдига тушиши осон бўлиши учун жамоатчилик фикри асосида ижобий ҳал этилган “тонировка” масаласини, дарахтлар ва бошқа ўсимликларга шикаст етказганлик, уларни қонунга хилоф равишда кесганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Тараққиёт стратегияси лойиҳаси ҳам том маънода инсон ва жамият манфаатлари йўлида ишлаб чиқилган ва жамоатчилик мулоҳазалари, таклифлари билан янада бойитилиб, такомилига етказилган.

Ҳар бир давлат органи ва ташкилоти фаолиятининг энг биринчи галдаги вазифаси инсон ҳуқуқларига риоя этиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади. “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун”, “Давлат хизматчиси — халқ хизматкори”, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” каби эзгу тамойиллар бугун бу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган эзгу ислоҳотларни яққол намоён этади.

Давлат хизматларини кўрсатишда “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” деган муҳим тамойилга амал қилинаётгани унинг ҳаётий ифодасини кўрсатади. Бу кечаётган ислоҳотлар уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш баробарида, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли орган ва ташкилотлар масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик назорати фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамлар кайфиятини ва мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Бу жараёнда жамоатчилик назорати — давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш каби шаклларда амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда халқ билан мулоқотнинг янги тизими йўлга қўйилди. Биргина Президент Виртуал қабулхонасига шу пайтга қадар **7 миллион 397 минг 647** мурожаат келиб тушган бўлиб, 7 миллион 313 минг 591 таси кўриб чиқилган ва қолганлари ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилмоқда. Асосийси, Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар таҳлиллари натижасида уй-жой, бандлик, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, банк, молия-кредит, коммунал хўжалик, қўйингки, барча соҳаларда ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳал этилишига эришилмоқда. Жамоатчилик муҳокамаси натижаларини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамалари портали” (regulation.gov.uz) мисолида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда ушбу порталга 16 минг 372 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган бўлиб, улардан 16 минг 21 таси бўйича муҳокамалар якунланган.

Ҳозир долзарб бўлган конституциявий ислоҳотлар ташаббускори ҳам фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, жумладан, фуқаролик жамияти институтларидир. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси халқимиз фикр-мулоҳазасини ўрганиш асосида тайёрланди. Лойиҳа тайёрлангунга қадар бўлган даврда Бош қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича **62 минг 336** та таклиф келиб тушгани фикримизни тасдиқлайди. Ўз навбатида, тайёрланган конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Эътиборлиси, халқимиз манфаатлари йўлида умумхалқ муҳокамаси муддати 2 марта узайтирилди ва бу даврда фуқароларимиздан жами **150 мингдан** ортиқ таклиф келиб тушгани ҳам жамоатчилик назоратининг ўзига хос амалий кўринишини англатиб турибди.

> **ҲОЗИР ДОЛЗАРБ БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ ҲАМ ФУҚАРОЛАРИМИЗ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ЖУМЛАДАН, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИДИР. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ХАЛҚИМИЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**

Сўнгги йилларда **жамоатчилик фикрини ўрганиш** оммавий тус олмоқда. Мисол учун, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ҳар йили **икки маротаба** (*февраль, июль*) ўтказиладиган “Ташаббусли бюджет” йўлга қўйилди. Бу умумманфаатли муаммоларни бевосита фуқароларнинг кўпчилик овози билан ҳал этиш имконияти бўлиб, амалиётда натижадорлиги билан ўзини оқламоқда. Эътиборли жиҳати, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи йўналтириладиган “Фуқаролар бюджети” дастури доирасидаги маблағларни жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ички йўллар билан боғлиқ эътирозлар кўпайгани ортидан “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Менинг йўлим” лойиҳаси йўлга қўйилди. Унда фуқаролар томонидан жами **9212** та лойиҳа илгари сурилиб, улар учун **1,9 миллион овоз** берилди. Якунларга кўра, **380 лойиҳа** ғолиб топилиб, шу асосда ҳозир ички йўлларни таъмирлаш давом этмоқда. **Бундан ташқари,** жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида Президент қарорига асосан **қўшимча равишда ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани молиялаштириш учун қўшимча равишда 85 миллиард сўм ажратилди.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахслари ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш бўйича жаҳон тажрибасида ўхшаши йўқ амалиёт — ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиси, аёллар ва ёшлар масалалари билан алоҳида ва манзилли ишлашни янада жадаллаштириш мақсадида хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси лавозимлари жорий қилинган. Улар ўз фаолияти ҳақида ўзини ўзи бошқариш органларига ахборот бериб бориши керак.

Конституциявий ислоҳотлар даврида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонуни лойиҳасида Янги Ўзбекистонни кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтлари мақомини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида Конституциянинг 56-моддаси янги таҳрирда баён қилинмоқда, 98- ва 122-моддалари эса янги нормалар билан бойитилмоқда. Яъни **биринчидан,** илк бор **“фуқаролик жамияти институтлари” ибораси** киритилмоқда. **Иккинчидан,** маҳалла ва оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилмоқда. **Учинчидан,** Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилмоқда. **Тўртинчидан,** фуқаролик жамияти институтларига республика бюджети шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилмоқда.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ САМАРАСИ

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси доирасида 2022 йилнинг 9 ойида маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш бўйича:

***биринчидан,*** ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 16 августдаги “Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларини маҳалладаги ички йўллар, электр энергияси ва табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш учун йўналтириш белгиланди;

***иккинчидан,*** “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида аризаларнинг 70-80 фоизини 2023 йил якунига қадар электрон шаклда онлайн режимда қабул қилишни таъминлаш чораларини кўриш мақсадида ушбу ахборот тизимида оила таркибини автоматик тарзда шакллантириш функцияси яратилди. Камбағал оилалар билан манзилли ишлаш тизимини автоматлаштириш, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га интеграция қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва имкониятлари яратилди;

***учинчидан***, маҳаллаларнинг жамоатчилик билан алоқаларини кучайтириш чораларини кўриш мақсадида 2022 йил 6 июнда тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режасига асосан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигида медиамарказ фаолияти йўлга қўйилди;

***тўртинчидан,*** ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 августдаги қарори билан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича намунавий концепция ҳамда “йўл хариталари” тасдиқланди.

Ушбу “йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши натижасида 1,9 миллион фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. 341 минг фуқарога ижара асосида ер ажратилди. 267 мингта лойиҳага 6,4 триллион сўм имтиёзли кредит ва 35 мингдан ортиқ ишсизга 112 миллиард сўм субсидия ажратилди. 218 минг аҳоли касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. 34 мингдан ортиқ “маҳаллабай” микролойиҳадан 19 мингтаси ишга туширилиб, 78 мингта янги иш ўрни яратилди. 61 мингта юридик ва 62 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. 14,6 минг километр таъмирталаб ички йўлга шағал тўкилди, 7,1 минг километр йўл асфальт қилинди, маҳалла ҳудудидан ўтувчи магистрал йўл ёқасида минг километр пиёдалар йўлакчалари барпо этилди. 5,3 минг дона трансформатор, 141,6 минг дона симёғоч ва 122,6 минг дона тунги чироқ алмаштирилди. 32,8 минг километр ариқни тозалаш ва 6,5 мингта вертикал суғориш қудуғи қазиш орқали 225 мингдан ортиқ хонадон томорқаси сув билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, Тараққиёт стратегиясининг 12-мақсадидаги таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи келгусида инсонларни рози қилиш, уларнинг дарду ташвишларини тезкор ўрганиш ва ҳал қилишнинг энг самарали усули — халқ билан очиқ мулоқотнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини янада такомиллаштириш, жамият ҳаётидаги ва давлат бошқарувидаги муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш учун хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

# “АҚЛЛИ” ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## замину ҳуқуқ, мулку мерос, деҳқону даромад масалаларини ҳал этишда қандай ўрин тутади?

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда



Президентимиз яқинда бўлиб ўтган II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми иштирокчиларига йўллаган мурожаатида қишлоқ хўжалигига сув ва ресурс тежовчи, “ақлли” технологияларни жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доимий диққат марказимизда бўлади, деб алоҳида қайд этди. Тармоқ тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. У бугун иқтисодиётимизнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Мутахассисларнинг таҳлилича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи мавсум давомида 40 дан ортиқ турли ечим қабул қилишига тўғри келади. Уларнинг аксарияти рақамлаштириш объекти ҳисобланиб, бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, экиш, етиштириш, сақлаш ва ташишда ҳосилнинг 33 фоизи йўқотилмоқда. Ана шундай шароитда мавжуд ер, сув, моддий-техник ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи “smart” ёки “ақлли” қишлоқ хўжалиги технологияларини татбиқ этиш зарурати ошаверади.

## “E-ijara” электрон ахборот тизими ва “E-auksion” электрон савдо платформаси

— “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ва бошқа муҳим ҳужжатларда қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни жорий этишнинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган, — дейди қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қаҳрамон Йўлдошев. — Бу вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ҳуқуқий асос бўлса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасида рақамлаштириш бошқармалари, шунингдек, тизим ташкилоти — “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасаси ташкил этилиши амалий-ташкилий ишлар кўламини янада кенгайтирди.



Ер — халқ, давлат мулки. Мамлакатимизда ерга бўлган муносабатларда буткул янгича тартиб-таомиллар ўрнатилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерларни хусусий секторга фақат аукцион орқали сотиш тартиби киритилди, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар юртимиз фуқаролари ва юридик шахсларга хусусий мулк сифатида, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерлар эса ижара ҳуқуқи асосида сотилиши йўлга қўйилиши белгиланди. Фармонга асосан, қарийб бир йил олдин Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “E-ijara” автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди.

Ушбу тизим қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишишни амалга оширишга хизмат қиляпти. У 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, жумладан, “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Айни пайтда “E-ijara” орқали деҳқон хўжалигини юритиш учун ер майдонларини танловларга чиқариш, ғолибларнинг ҳуқуқ ва ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштиришга ҳам кўмаклашиляпти.

Тизимни такомиллаштириш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ортиқча оворагарчиликларга олиб келувчи нормаларни бекор қилиш билан биргаликда амалга оширилаётгани яхши самара бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, очиқ электрон танлов ғолибларини тасдиқлаш талаби бекор қилинди. Танловларда мутлақо бепул қатнашиш, яъни электрон рақамли имзони олиш ва пулини тўлашдан озод этилганлар рўйхатига учта ижтимоий дафтарга киритилганларга қўшимча тарзда 2022 йил 1 мартдан хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантлари ҳам қўшилди.

Соҳага доир ҳужжатлар деҳқон хўжалигини юритиш учун ер майдонларини ижарага олишдан манфаатдорликни янада кучайтирди. Жумладан, 2022 йил учун 80 минг гектарга қўшимча 20 минг гектар ажратилиши, сув таъминоти яхши ерлар учун энг кам ўлчам 10 сотихдан 0,15 гектаргача, Қорақалпоғистонда 50 сотихдан 2 гектаргача бўлиши, ижара муддати аввалги 10 йилдан 30 йилгача узайтирилиши, танловларда битта талабгор иштирок этганда истисно тариқасида уларнинг ўтказилган ҳисобланиши ва кўплаб бошқа қулайликлар жорий этилди. Бу эса ер тузиш лойиҳалари ижрочиси — “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан электрон тарзда ишлаб чиқиш ва “E-auksion” электрон савдо платформасида очиқ электрон танловларни ўтказишга камарбаста бўлган ахборот тизимларига тегишли ўзгартиришлар киритишга йўл очди. Қолаверса, тизим орқали танловдаги ер майдонлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, яъни ҳар бир лот ва кадастр рақами, майдони, ҳудуди, ер участкаси ҳолати, ижара тури ва муддати, ихтисослиги, балл бонитети, ернинг шўрланиш даражаси, сув билан таъминланганлиги ҳамда норматив қиймати ва бошқа параметрларни киритган ҳолда излаш имконияти мавжуд.

Бугунги кунга келиб, “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан “E-ijara” ахборот тизимида деҳқон хўжалигини юритиш учун республика бўйича 102 минг 700 гектардан ортиқ ерни ижарага бериш бўйича 446 минг 100 дан зиёд лот ишлаб чиқилган. Уларнинг ғолиблари аниқланган ва 383 минг 266 таси бўйича барча ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун 232 минг 64 гектардан ортиқ майдонга 4 минг 474 лойиҳа ишлаб чиқилди. Очиқ электрон танловларда 3 мингга яқин ғолиб аниқланган ва барча ҳужжатлар расмийлаштирилган. Уларнинг мингдан зиёди аввал жисмоний шахс сифатида иштирок этиб, ғолиб бўлгандан сўнг янги фермер хўжаликларини ташкил этганлардир.

Ер майдонларининг очиқ электрон танловлар орқали аҳолининг кенг қатламларига ажратилиши, ўз навбатида, экин турлари янада кенгайиши, меҳнат унумдорлиги ошиши, энг муҳими, юртдошларимиз даромадлари кўпайишига замин яратмоқда. Аслини олганда, бу жараёнда замину ҳуқуқ, мулку мерос, деҳқону даромад сингари азалий муносабатлар янгича эврилади, ислоҳотлар самараси сифатида бўй кўрсатади.

## 24 миллион гектар ер доимий мониторинг қилиб борилади

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, тармоқнинг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Ушбу мақсадларга эришишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқон ва фермерлар даромадини ошириш учун ер ресурслари тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш, уларни бошқаришда кўп қиррали геоахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириб бориш муҳим ўрин тутади.

— Ўтган йилнинг кузидан буён бу тизимнинг тест режимида ишлаши, 4 мустақил манбадан маълумотларнинг шакллантирилиши йўлга қўйилган, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Иззатилла Икрамов. — Космик суратга олиш материаллари, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳамда ушбу муассаса ҳамкорларининг ўрта, юқори ва ўта юқори аниқликдаги мультиспектрал космик суратлари дастлабки манба бўлиб, уларнинг аниқлиги 10 метр/пикселдан 0,5 метр/пикселгача тенглиги билан ажралиб туради. Иккинчидан, республикамизнинг барча ҳудудларидан махсус планшет ва “ArcGis Field Maps” мобиль иловалари ёрдамида туман (шаҳар)лар қишлоқ хўжалиги бўлимларининг ҳақиқий вақт режимидаги дала маълумотлари, учинчи манбада тизим ташкилотларининг ҳудудларга географик боғланган соҳага оид электрон ҳисоб-китоблар жамланаётган бўлса, тўртинчисида учувчисиз учиш ускуналарининг ўта юқори аниқликдаги материалларига ишлов бериш орқали олинадиган маълумотларни қамраб олиш устида иш кетмоқда.

Ҳозирги кунда тизимда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, уларнинг асосий турлари ва вегетацияси даврини таҳлил этиш, соҳа ерлари ҳолатини мониторинг қилиш, контурлари, фойдаланувчилар чегаралари, тупроққа оид маълумотлардан қулай фойдаланиш хизматлари ҳам фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва Гидрометеорология хизмати маркази ахборот тизимларининг электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилиб, маълумотлардан вазирлик ва тизим ташкилотлари фойдаланиб келмоқда.



Геопорталдан фойдаланишни кенгайтириш ва маълумотларни очиқлаш мақсадида шу йил охирига келиб, унинг синов тариқасида ишга туширилиши белгиланган. Шунга асосан, интернет тармоғида жойлаштириш учун геопортал таркибига кирувчи жами ўттизга яқин бирламчи мавзули қатламлар рўйхати ҳамда уларнинг асосий атрибут маълумотлари тасдиқланди.

Лойиҳа доирасида 4 миллион гектар экин майдонлари ва кейинчалик 24 миллион гектар барча қишлоқ хўжалиги ерларида доимий мониторинг ўтказилади, мавжуд интеграция жараёнларида қишлоқ хўжалиги ерлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга оид маълумотлар таҳлил қилинади ҳамда улар вазирлик ва идораларнинг қўшимча ахборот тизимлари ва маълумот базалари билан кенгайтириб борилади.

Айни кезда ерни масофадан зондлаш материаллари ёрдамида Ndvi — экин вегетация ҳолатини кузатиш, Gndvi — ўсимликдаги азот миқдорини аниқлаш, Savi — ёндош тупроқ ўсимликлар кўрсаткичи, Ndmi — ўсимлик танасининг намлиги ва Ndwi — ҳудуднинг сув билан таъминланганлик кўрсаткичи каби индекслар ёрдамида ишлов бериш, янги турдаги таҳлил натижаларини геопорталда визуал тақдим қилиш, замонавий ва қулай функционал воситаларни ишлаб чиқиш, тизим доирасида ҳудудларда амалга оширилган тажриба лойиҳалар натижаларини амалиётга жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

> **Геопорталда тасвирланадиган мавзули хариталар учун шартли белгилар классификатори (1:10 000 — 1:25 000 масштаб асосида) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мазкур классификатор вазирлик тизимида рақамли қишлоқ хўжалиги хариталарини яратиш ва геопортал орқали фойдаланувчиларга тақдим этишда картография, ер мониторинги, тупроқ тадқиқот ва рақамли қишлоқ хўжалиги хариталарини тузиш ишларини бажарувчи барча тизим корхоналари, ташкилотлар ҳамда муассасаларига ягона шаклда фойдаланиш учун тавсия этилган.**

## Субсидиялаш, сув ресурсларини бошқариш ва бошқа инновацион ечимлар

Белгиланган дастурга кўра, 2022-2023 йилларда яна бир қатор электрон тизимлар ишга туширилиши мўлжалланган эди. Бу борадаги ишлар қандай кетяпти?

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш учун “Агросубсидия” ахборот тизими жорий йилнинг 10 мартидан ишга туширилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Муроджон Маҳкамов. — Мазкур тизим орқали аризаларни электрон шаклда юбориш ва уларнинг кўриб чиқилиши шаффофлиги таъминлангани субсидия олувчиларга енгиллик яратяпти.



Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Қамаши — Миришкор каналида “Сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш” тажриба лойиҳаси амалга оширилди. Австралиянинг “Rubicon water” компанияси билан ҳамкорликда фермерлар учун сув ҳисоб-китоби дастури йўлга қўйилиб, ушбу каналда барча эски турдаги дарвозалар демонтаж қилинди ва улар ўрнига 26 та автоматлаштирилган шлюз, насос ўлчагичи, антенна мачта қурилмалари ўрнатилди. Натижада 14,8 минг гектар майдонга кафолатли сув етказиб бериш ҳамда сув тежамкорлигини 70 фоизгача кўтариш, ирригацион каналлардаги обиҳаётни экинларга етказиш даражасини 37 фоиздан 90 фоизгача оширишга эришилди.

“Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ўқув курсларини ташкил этиш” ахборот тизими ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Унда фермер ва деҳқон хўжаликларига агрохизматлар марказларида ташкил этиладиган ўқув семинарлари, тренинглар ва малака ошириш курслари тўғрисида маълумот олиш, шунингдек, ушбу курсларда иштирок этиш учун ариза юбориш ва уларни якунлангани ҳақида электрон сертификатлар олиш имконияти яратилган.

2023 йилда бошоқли дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг контрактация шартномалари, имтиёзли кредитлаш маълумотлари, таъминот ва хизмат кўрсатиш шартномалари ва бошқа ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда юритишга имкон берувчи “Агроплатформа” ахборот тизимини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтга қадар бу мақсадларга эришиш учун бир қанча техник ва меъёрий ҳужжат тайёрланди. Андижон вилоятида фермерлар иштирокида тизимнинг бошланғич амалий синови ўтказилди.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” интеграцион платформаси қишлоқ хўжалиги соҳасида йирик лойиҳа ҳисобланиб, унга аграр соҳада фаолият юритаётган барча идораларнинг ахборот тизимлари интеграция қилиниши режалаштирилган. Бунинг учун 30 дан ортиқ давлат ва хўжалик органи фаолияти ўрганилди, уларнинг мавжуд ҳамда ишлаб чиқиладиган ахборот тизимлари таҳлил қилиниб, йирик платформага бирлаштирилиши юзасидан хулосалар тайёрланди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун халқаро тажриба ўрганилиб, Жаҳон банки талаблари асосида консалтинг компания жалб этилди. Унинг таҳлилий хулосалари асосида интеграцион платформани ишлаб чиқиш бўйича концепция ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган 10 дан ортиқ ахборот тизими ҳам келгусида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” интеграцион платформасига бирлаштирилади. Ундан 75 мингдан зиёд фермер ва 600 дан ортиқ агрокластер, 20 дан кўпроқ тижорат банки, 150 дан зиёд давлат органи фойдаланиши кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга қаратилган инновацион лойиҳалар наинки тармоқ идоралари, фермер ва кластерлар, шу билан бирга, маҳсулот етиштирувчилар ва давлат органлари учун ҳам замонавий қулайликлар яратади. Аҳолининг озиқ-овқатга эҳтиёжини қондириш, арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб берилиши учун камарбаста бўлади.



МУЛОҲАЗА

# Юртим жамияти — ҚАЛБИМ ҲАМИЯТИ



**Ориф ТЎХТАШЕВ, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси**

Биз эзгу мақсадларга юраги тўлиб-тошган халқмиз! Кўнглимиздаги орзу-ниятларимизга қаранг — ўта соф, ўта шаффоф, шу боис, улар мутлақ соясиз. Дилимизга туккан ҳеч бир мақсадимиз “бировларнинг боғи”га соя ташламайди. Биз биргина ўзимизга эмас, бутун башар аҳлига яхшилик соғинамиз. Ўтмишдаги аждодларимиз ҳам бурда нони бўлса, бошқалар билан бўлишган. Шу тупроқда вояга етган қанчадан-қанча буюк мутафаккирларимизнинг битикларига қарасак ҳам фақат яхшилик улуғланган, осойишталик энг нодир неъматлардан экани бот-бот таъкидланган.

Рости, бугунги дунёвий воқеа-ҳодисаларни кўриб-кузатиб, тинчлик нечоғлик бахт эканини яна бир карра чуқурроқ ҳис этмоқдамиз. Ёши улуғларимизнинг ҳар бир дуосида тинчлик-хотиржамлик каби тилакларнинг нима сабабдан бот-бот такрорланиб туришини ҳам тушуниб бораётгандаймиз, чоғи.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сўнгги йилларда жонажон юртимиз номи, шарафи дунё бўйлаб чандон юксалмоқда. Жамиятимизда чин маънода **инсон қадри** учун сафарбар этилган ислоҳотлар ўз тасдиғини топмоқда. Дунё ҳамжамияти ҳам бу сингари эврилишларга муносиб баҳосини бериб келаётир.

Инсоният яралибдики, **адолат** тушунчаси у билан бирга яшаб келади. Одам боласи барча ситам ва заққумларга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка келганда унинг бардоши “иш бермай” қолади. Шу маънода, юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятига, аввало, **халқимизнинг розилиги** сингдирилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугун Ватанимиз бор бўй-басти билан дунёга кучоғини очмоқда! Ўзини, ўзлигини қадрлайдиганлар эса очиқ қалб билан ҳамкорлик таклифларини билдириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу яхшилик дарвозаларининг ланг очилганидир. Шоирона таъриф қилганда, жамиятимиздаги бу каби кўркам қиёфалар қалбим ҳамиятида аҳамият касб этиб бормоқда!

## ҲАМИЯТ НИМА?

Яқинда устоз олим, таниқли тилшунос, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовнинг “Миллат ҳамиятининг мунтазам ҳимояти” мақоласи эълон қилинди. Мазкур битикларни катта иштиёқ билан ўқиб чиқар эканман, ундаги “ҳамият” сўзининг луғавий маъносига келтирилган таъриф эътиборимни тортди. Рости, бу сўзни кўп жойда қўлласак-да, унинг юкдорлигига керагича диққат қилмаслигимизни тушуниб етдим. Зеро, бу сўзнинг асосий маъноси изоҳли луғатларда “ор-номусини, қадр-қимматини пок сақлаш туйғуси” тарзида тавсифланар экан.

Дарвоқе, кимдир эл-юртимиз шаънига нолойиқ бир сўз айтгудай бўлса, беихтиёр юрагимизда ҳамият бош кўтаради, кўксимизда турган қўлларимиз секин тушган ҳолда бармоқларимиз “бирлаша бошлайди”. Бошини бир нуқтага жамлаган бармоқлар жипслашувига эса ўзингиз ном қўя қолинг!

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Яқин йиллардан бошлаб туркий халқларнинг ўзаро йиғинлари кўпайди. Илоҳим, бундай жипслашувга кўз тегмасин! Бу каби эзгу мақсад мажлисларига мезбон бўлишга Ватанимиз ҳамиша тайёр эканини кўриб, яна ғурурланасан, киши!

Хўш, уларни яна бир-бири билан нима боғламоқда?! Азалий туташ ришталар мавжуд эканига асос бўла оладиган қандай ишоралар мавжуд эди? Бу каби саволларнинг барчасига биргина **тил** деган сўзнинг ўзи жавоб бўла олади! Шунинг учун ҳам туркий тилли халқлар саммити деб номланмоқда. Кечагина бўлиб ўтган Самарқанд саммитида жуда кўп соҳаларда ҳамкорлик режалари илгари сурилди. Энг муҳими, иштирокчи давлатлар вакилларининг ўзаро келишув суҳбатлари учун таржимонга ҳам эҳтиёж сезилмади. Давлатлар раҳбарларининг юз-кўзларида биргина эҳтиёжни кўриш мумкин эди — у ҳам бўлса **ўзликка қайтиш** эҳтиёжи!

Хайриятки, тилию дини, илдизи бир бўлган қардош-қариндош халқлар орадан муайян йиллар ўтиб яна топишмоқда, тўғрироғи, томирлардаги қон тортмоқда, қон!

**“ТИЛ — ШУНЧАКИ СЎЗЛАШУВ ВОСИТАСИ-ДА”, ДЕГАН ГАПНИ ЭШИТСАМ, “ВОСИТА” СЎЗИНИ ЁМОН КЎРИБ КЕТАМАН. У БИРГИНА ВОСИТА ЭМАС, БАЛКИ КЕЧАЮ БУГУНИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, БУТУН ҲАЁТИМИЗГА ВОБАСТА БЎЛГАН ЎЗЛИГИМИЗ ДЕМАКДИР! ШУНДАЙ ЭКАН, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА СОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАР БИР ВАТАНДОШНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БЎЛМОҒИ ДАРКОР!**

## ҚОН ВА ТИЛ

Бу сўзлар миттидай туюлгани билан ўз замирида кўплаб моҳиятни жамлайди. Мабодо бирор шифокорга ишингиз тушса ҳам у ўз маслаҳат ва ташхисларини қон таҳлилингиздан сўнг аниқ ва равшан баён қила олади. Демак, қон кўп нарсаларни “сўзлайди” ўзимиз ҳақимизда.

Тил эса... Бу мавзуда қисқароқ гапиргим йўқ! Она тилимиз ҳақида гап борганда тилим бийронлашиб кетади! Даставвал ундан фахрланаман, шу тилда гап айтиб турганларни “жигарим”, дея бирма-бир бағримга босгим келади.

Аслини олганда, бизнинг мурғаклик пайтимиздан онгу шууримизга шу тилдаги оҳанг сўзлари (алла) сингиб борган. Кейинчалик теварак-атрофни, ота-она ва барча яқинларимизни, сўнгра шу Ватанни, борингки, бутун дунёни айнан мана шу тил орқали таниганмиз. Демак, тил инсон ҳаётида муҳим ўрин тутувчи воситалардан биридир!

“Тил — шунчаки сўзлашув воситаси-да”, деган гапни эшитсам, “восита” сўзини ёмон кўриб кетаман. У биргина восита эмас, балки кечаю бугунимиз, эртанги кунимиз, бутун ҳаётимизга вобаста бўлган ўзлигимиз демакдир! Шундай экан, уни ҳимоя қилиш ва софлигини таъминлашда ҳар бир ватандошнинг муносиб ҳиссаси бўлмоғи даркор!



## БАРЧАМИЗГА ДОХИЛ ВАЗИФА

Бугунги кунда аксариятимиз ижтимоий тармоқларнинг лоқайд кузатувчисига айланиб улгурдик. Унда ким нимани хоҳласа, шуни баён қилиб ётибди. Уларга қарата, “ҳой, шаҳар бедарвозами?!” дейдиган одамнинг ўзи йўқ.

Менга алам қиладигани — шифокорлар сингари онт ичгудек ўқиб-ўрганиб, соҳа сирлари ҳамда одобини пухта эгаллаган моҳир журналистлар қолиб, баъзи блогерларнинг *(барчаси эмас, албатта!)* тайин-тутуриқсиз сўзларига маҳлиё бўлаётганларнинг кўп сонли экани. Минг афсуски, уларда сўзлаш одоби ҳам ҳаминқадар ва давлат тилига муносабатини кўриб, қонинг қайнайди. Энг ёмони — бугунги ёшлар шу сингари майда гап-сўзларни тинглаб улғаймоқда. Қолаверса, она тилига бўлган ҳурматини ҳам улардан андаза олган ҳолда тикламоқда.

Кузатувларимиз кўрсатмоқдаки, газетхонлигу журналхонлик каби анъаналар ўтмишдаги ғазалхонлик сингари кўҳнариб бораётгандай.

Яқинда ижтимоий тармоқлардан бирида ўқиб қолдим, “мана, тил байрами ўтди, энди келгуси йил шу санага қадар бу мавзуда ҳеч ким гапирмайди, сувга тушган тангадай жимиб яшаймиз”, эмиш. Хўш, шундай экан, ушбу гапни ёзганнинг ўзи қандай иш билан машғул бўларкан буёғига?! Ўзини “тил жонкуяри” сифатида санар экан, нега йил мобайнида бу мавзуда бонг урмайди? Ёки унга “тил ҳақида гапиришдан тилингни тий!” деган кўрсатма берилдимикан?!

Тўғриси, бу борада айтаман десак, гап кўп, аммо бир нарса аёнки, ҳеч бир инсонга тил масаласида сўз айтмаслик шарти қўйилмаган. Ҳа, айтгандай, биргина шарт бор — у ҳам бўлса, муносиб тарзда гап айта олиш!

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилган. Мазкур муассаса бугунги кунга қадар давлат тилининг мавқеи ва нуфузини ошириш йўлида баҳоли қудрат ҳаракат қилиб келмоқда. Аммо юқорида айтганимиздек, бу жараён биргина идора ёки бир неча кишинингина гарданидаги вазифа эмас. Ахир бу барчамиз бирдек кундалик турмушимизда мунтазам қўллаб келаётганимиз — муаззам она тилимизнинг тақдири. Шундай экан, бу йўлда ҳаммамизнинг зиммамизга озми-кўпми вазифалар юкланади. Бу борада кенг жамоатчилик назорати йўлга қўйилиши зарур. Муқояса қилиб айтадиган бўлсам, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини давлат тили учун қоровулдай иш олиб бориши керак. Янаям аниқлик билан қиёслайдиган бўлсак, ҳақиқий тил жонкуяри — давлат чегараларида турган сергак зобит сингари демакдир!

## СЎНГСЎЗ

Мақолани мен бежиз бундай номламадим. Чунки тегра-атрофимизда бўлиб турган барча воқеа-ҳодиса умумҳамиятимизга таъсир кўрсатмай қолмайди. Яъни бир кўркам амал эгасини учратсанг-у, ўзинг ҳам ундан улги олган ҳолда яшашда хушнуд давом этсанг, чин ҳаётдан баҳрамандлик бошингни осмон қилади. Мабодо бирортанинг ноқис феъли ёхуд амалидан оғринсанг, узоқ вақт кўнглинг ёришмай қийнайди. Илоҳим, юракларимизни яйратадиган ва тилларимизни бийрон сайратадиган сабаблар кўп бўлсин!

Хулоса ўрнида қуйидаги сўзларни келтиришни муносиб кўрдим: “Азиз замондош, одил **жамият** сизу биздаги **ҳамият**дан куч олмоғи керак! Демакки, юртимизда жадал суръатда давом этаётган **янгиланиш жараёнлари** ҳар биримизга бевосита дахлдор экан, унда муносиб иштирокимиз бўлсин!”



ГЛОБАЛ ФОРУМ ОЛДИДАН

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ

## ҳаёт мобайнида давом этадиган ва турли ёшдаги шахсларга бирдек тегишли бўлган маърифий-ҳуқуқий жараён

Бошланиши 1-бетда

Ушбу нуфузли форум БМТ шафелигида гибрид форматда ўтказилади. Унда дунёнинг турли давлатларидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим мутахассислари, хорижий экспертлар, давлат органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари — жами 120 дан ортиқ чет эллик меҳмон иштирок этиши кутиляпти.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига мувофиқ, 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган. 1950 йили БМТ томонидан 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари куни сифатида нишонлаш белгиланган.

Декларация инсонларнинг барчасига бирдек тегишли ҳуқуқларини ўз ичига олган бўлиб, шу кунгача дунёнинг 500 дан ортиқ тилига, жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган. Мазкур халқаро ҳужжат ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлиги, мулк, эътиқод ва сўз эркинлиги, фуқаролик, давлат бошқарувида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш, оила, меҳнат ва дам олиш, таълим, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, маданият ва санъат асарларидан баҳра олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам 2022 йил 10 декабрь куни инсоният тарихида илк бор инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонлаш кампанияси бошланади. Шу сана арафасида бўлиб ўтадиган Самарқанд глобал форуми жаҳон миқёсидаги ушбу муҳим тадбирга старт беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинганидан сўнг ўтган даврда жаҳон ҳамжамияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва механизмлари орқали дунё миқёсида риоя этилишига кўмаклашмоқда.

Мазкур ҳуқуқлардан бири — таълим олиш ҳуқуқи барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга йўл очадиган бошланғич нуқта. Таълим олиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ҳамда ушбу ҳуқуқларни ўрганиш, шунингдек, жамиятимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш усуллари, воситаларини ҳам ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим инсон ҳаёти мобайнида давом этадиган ва турли ёшдаги шахсларга бирдек тегишли бўлган маърифий-ҳуқуқий жараёндир.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро шартномалар, жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бир қанча халқаро ҳужжатни ратификация қилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон парламенти истиқлолнинг илк йилларида тасдиқлаган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат саналади.

Натижада мустақил Ўзбекистон давлати муайян халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш мажбуриятини зиммасига олди. Бошқача айтганда, навқирон давлатимиз ва жамиятимиз БМТ низоми талаблари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб яшашга чоғланди.

Давлатимиз асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи энг устувор йўналишга айланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда конституциявий ислоҳот изчил давом этмоқда ва ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив заруратдир.

Ҳақиқатан, жадал ўзгариб бораётган замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун, албатта, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мос хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинади. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш, аввало, **“Инсон қадри учун”** устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишни тақозо этади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган кун — 10 декабрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотини топшириш яхши анъанага айланган. Ушбу мукофот бундан 56 йил илгари, яъни 1966 йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган инсонларни тақдирлаш учун ташкил этилган.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ўз мукофотини таъсис этди. Сўнгги йилларда Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорлари аниқланиб, тантанали равишда тақдирлаб борилмоқда.

Самарқанд глобал форуми доирасида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорларига ҳам ушбу мукофот топширилади.

**Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

# ОСМОНДАН ТУШАЁТГАН МИЛЛИОНЛАР

## уларни йиғиб олиш учун меҳнат ва қуёш панели етарли



**Зариф МУҚИМОВ, ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти директори**

**Мамлакатимиз қуёш энергиясидан фойдаланиш учун ўта қулай иқлим шароитига эга. Йилнинг 85-87 фоиз қисми қуёшли ўтади. Қайта тикланувчи энергия манбаларини қўшиб ҳисоблаганда бу борада Ўзбекистоннинг энергетик салоҳияти 98,5 фоизни ташкил этади. Айнан мана шу имкониятдан тўғри ва унумли фойдаланилса, аҳолининг ижтимоий шароитини янада яхшилаш мумкин.**

Юртимизда иқтисодиёт тармоқлари бўйича энергия сарфини 2030 йилга қадар бир ярим баробар камайтириш мақсадида янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, 2026 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқариш улушини 20 фоиздан ошириш, мамлакатни ишончли, хавфсиз, тежамкор ва самарали электр энергияси манбаи билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш бўйича белгиланган вазифаларга уйғун. Ушбу вазифаларни бажариш, хусусан, электр таъминотида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг оқилона комбинацияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, электр энергияси истеъмолини замонавий усуллар асосида бошқариш услубиятини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг шу йил 9 сентябрдаги “Энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти талабалар турар жойига қуёш мини электр станцияси ўрнатилди. Лойиҳа учун ички имкониятдан келиб чиқиб 571,5 миллион сўм йўналтирилди. Мўъжаз станция 68 та қуёш панелидан иборат бўлиб, соатига 30 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр токига айлантирадиган фотоволтаик конвертер, яримўтказгичли қуёш қурилмалари махсус рамкаларга ўрнатилди ва бу яхлит қуёш панелларини ҳосил қилди. Қуёшдан олинган ёруғлик эса электр токига айланади. Ўрнатилган 30 кВт.ли қуёш панели 30 фоиз, яъни 108000 кВт. электр энергияси тежалишига олиб келади. Бунинг натижасида 86,5 миллион сўм иқтисодий самарадорликка эришилади. Аҳамиятли жиҳати, бу тизимнинг ишлаш жараёнини замонавий мобиль алоқа воситасида узлуксиз кузатиш имконияти мавжуд.

Дастлабки станция — истиқболли режаларимизнинг бошланиши. Саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириб, яқин вақтда институтнинг бошқа биноларини ҳам муқобил энергия билан таъминлашни режалаштирганмиз. Ҳозир институтимиз бош биноси, ёрдамчи бино ва ошхона учун ўрнатиладиган қуёш электр станцияси лойиҳаси тайёрланди. У амалиётга жорий этилса, энергия харажатининг 32 фоизини ёки 172 миллион сўм тежашимиз мумкин.

Институтда ҳозир ёш тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалардан иборат “South solar engineering” инновацион гуруҳи ташкил қилинган. Мақсадимиз энергия тежаш муаммолари ва аҳолига мунтазам энергия етказиш лойиҳалари устида ишлаш, замонавий муқобил энергия манбалари йўналишида тадқиқотлар олиб бориш, қуёш энергияси қувватидан оқилона фойдаланиб, аҳолининг барча қатламларига энергия етиб боришига ҳисса қўшишга қаратилган.

ҲУНАРМАНДЛИК



> Бу идишларда меҳнат билан, юрак билан бирга тарих ҳам бор. Ҳамма йўналишларда миллий анъаналаримизни тиклаяпмиз. Сопол буюмларни ҳам яна оммалаштириб, ҳар бир хонадонга киритиш керак. Уларни чет элликлар жуда қадрлайди. Чунки чиройли, сифатли, экологик тоза. Юртимиздаги ҳар бир уйда мана шундай идишлар бўлса, ҳам миллий ифтихор, ҳам маънавият бўлади.
>
> Шавкат МИРЗИЁЕВ,
> Ўзбекистон Республикаси Президенти



# ЭНГ ЯХШИ ИШ БЕРУВЧИ кулол аёл

## ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲАМ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА

**Кулоллик буюмлари бизга тарихни, миллийликни, аждодларимиз турмуш тарзини эслатиб туради. Қувонарлиси, бугун бундай буюмлар фақат кўргазмага қўйиш ёки эсдалик учунгина тайёрланмаяпти, аксинча, кулолчилик буюмлари хонадонларга қайтиб, кундалик хизмат қиляпти. Бу эса уста кулоллар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаётгани аниқ. Эндиликда кулол деган ном аёлларга нисбатан ҳам ишлатиляпти. Шу пайтгача аёл учувчи, аёл қурувчи, аёл тракторчилар ҳақида эшитганмиз, аёллар орасида уста кулоллар ҳам борлигини кўпчилик билмаса керак.**
**Тўғри, аёл ожизадир, бироқ у оилаларимиз кўрки бўлганидек, аёл кириб борган соҳада ҳам, албатта, яхшилик томонга ўсиш бўлади.**

### ОДДИЙЛИК БИЛАН ЧЕКЛАНИБ БЎЛМАЙДИ

Хивалик Дилноза Отажонова 2006 йили ҳунармандлар оиласига келин бўлиб тушди. Турмушга чиқмасидан аввал тикувчиликни ўрганиб, шу касб билан шуғулланиб юрган Дилноза бугунгидек номдор кулол бўлишини тасаввур ҳам қилмаган.

Қайнона-қайнота, турмуш ўртоғининг кулоллик қилаётганини кўриб, у ҳам уй-рўзғор ишларидан қўли бўшаган пайт цехда ўзича ижод қиларди. Аввал ҳам нақшлар чизиб юрган Дилноза уйдагилар ясаётган сопол буюмларга турли безаклар туширишга уринар, ҳунарнинг ичига киргани сайин қўли келишиб борарди. Хаёлида эса тинимсиз бир ўй: "оддийлик билан чекланиб бўлмайди". У ҳар куни бир янгилик яратишга интилди. Ўзгариш қила олгани сари ўзига ишончи ҳам ортиб бораверди. Қайнота, қайнонаси, турмуш ўртоғининг кўп йиллик тажрибаси, қўллови ёрдамида дурустгина шогирд камолга етиб, қарабсизки, юртимиздаги кулол аёллар сафи яна биттага кўпайди. Айни пайтда ҳунармандлар оиласининг 3-авлоди бўлган бу аёл кулол аждодларига муносиб тарзда эл оғзига тушиб, Ўзбекистон Республикаси миллий каталогидан ёш кулол аёл сифатида ўрин олди.



### 15 КИЛО ОШ СИҒАДИГАН БОДИЯ

Ўзи яратган маҳсулотларидан илҳомланган Дилноза ҳунарга шу даражада шўнғиб кетдики, маҳалладаги кўплаб қизларда ҳам кулолликка қизиқиш уйғониб, уларни уларни шогирдликка ола бошлади. Устозининг қўлида 1-2 йил ҳунар ўрганган илғор қизлар Урганч давлат университети санъатшунослик факультетига ўқишга ҳам кирди. Улар моҳир кулол бўлишни ният қилган.

Қизларнинг бундай нияти бежиз эмас. Чунки устози раҳбарлигида яратилаётган маҳсулотлар кундан-кунга харидоргир бўлиб боряпти. Уларнинг аввалига фақат Хивада, кейинчалик Хоразм, бутун Ўзбекистон бўйлаб сотилган маҳсулотлари ҳозирги кунда Туркманистон, Қозоғистон, Россияга экспорт қилиняпти. Рўзғор учун зарурий буюмлардан ташқари, ошхона, ресторанларга шўрва пиширадиган кўзалар, меҳмонхоналарга катта хумлар, вазалар ҳам тайёрланяпти. Кўплаб сайёҳларнинг, ҳатто юртдошларимизнинг ҳам ҳайратини ошираётган 15 кило ош сиғадиган бодия (лаган)нинг ҳам бозори чаққон. У фақат Хоразмда тайёрланади. Бодия хоразмликларнинг кундалик рўзғорда ош солиш учун ишлатадиган идиши бўлиб, ҳажмига кўра Хоразм шевасида турлича номланади.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

> Дилнозанинг "Марказни очиб олайлик, нафақат ёшлар, маҳалламиздаги ишсиз аёлларнинг барчасини иш билан таъминламоқчимиз", деган эзгу нияти бор. Сайёҳларни ҳайратга солаётган кулол аёлнинг ана шу нияти рўёбга чиқиб, ҳар йили энг яхши иш берувчи мақомини сақлаб қолишига чин дилдан хайрихоҳ бўлдик.

Қаҳрамонимиз айни пайтда 50 нафардан ортиқ шогирди билан харидорлар эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиб келяпти. Улар орасида аввал "Аёллар дафтари"да турган 6 аёл ҳам бор.

### МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Илк бор Бухорода зираворлар фестивалида иштирок этган Дилноза кейин Қўқонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда қатнашди. Шу кунгача кўплаб кўрик-танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Ўтган йил ҳунарманд Туркиянинг ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (ТИКА)нинг 10 000 доллар грантини ютиб олган бўлса, якунланаётган 2022 йил ҳам унинг учун муваффақиятларга бой бўлди. Жумладан, "Ибратли оила" кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўрин, "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринга муносиб кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил этилган "Энг намунали иш берувчи" республика кўрик-танловида ғолиб сифатида 30 000 000 сўм пул мукофотини қўлга киритди.

— Бундай ютуқлар ишимизга янада кучли иштиёқ уйғотади, — дейди моҳир кулол. — Шунингдек, яқинда Ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивалида Ўзбекистон номидан иштирок этиб, бағоят хурсанд бўлдим. Туркманистонда бизни жуда илиқ кутиб олишди. "Ўзбекистонда аёл кулол бор экан-да? Биз билмаган эканмиз!" деб ҳурмат-эҳтиром билан муомала қилишганида, танлаган йўлимнинг нақадар тўғри эканини яна бир карра ҳис қилдим. Туркманистон телевидениесида ҳар куни интервьюларимиз эфирга узатилди. Ўзбекистонга кўтаринки кайфиятда, катта таассуротлар билан қайтдик. Туркман кулолларининг тажриба алмашиш, ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлари янги-янги ғояларга ундади. Биз, ҳунармандларнинг дунёга чиқишимизга шароит яратиб бераётган Президентимизга раҳмат. Илоҳим, Ўзбекистон — Туркманистон дўстлиги абадий бўлсин!

### НАФАҚАТ ЁШЛАР, МАҲАЛЛАДАГИ ИШСИЗ АЁЛЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Дилнозанинг икки фарзанди бор. Улар ҳам ота-онаси тутган ҳунар — кулолликка аллақачон меҳр қўйган. Дарсдан бўш вақтлари идиш ясайди, унга нақш чизади. Оилавий иш юритишнинг қудрати ҳам шунда, аслида. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади, дейди халқимиз. Ота касбини олган фарзанддан ёмонлик келмаслиги ҳам бор гап. Аксинча, бундай фарзандлар муносиб издош бўлади. Улар устоз-шогирдлик анъаналари, ҳунар сирларини ҳар куни кўриб, кўзлари анча пишиб қолган.

Шогирдлар билан ишлашдан ташқари, Дилноза Урганч давлат университети санъатшунослик факультети талабаларига шартнома асосида касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Ўзи айтганидек, олий маълумотли бўлмаса-да, олий маълумотлилар эришмаган даражаларга эришди. Элда ўз ўрни, ҳурмати, ҳалол даромади бор. Аслида, бундан ортиқ нима керак инсонга?

Гўзал ҳаёт, оилавий бахт ҳақида айни шундай фикрда бўлган қаҳрамонимизнинг режалари бор. Яқин келажакда катта кулоллик маркази ташкил этиш унинг бирламчи мақсади. Марказ шундай бўладики, хорижлик меҳмонлар шу ерда маҳсулот ясаш жараёнларини бир бошдан кўриши учун имкон яратилади. Марказнинг ўз меҳмонхонасига эга бўлиши масаласи ҳам ўйлаб қўйилган. Бинобарин, хорижлик меҳмонларда кулолликка қизиқиш кучли. Улар кулолларнинг ижод намуналарини кўриб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишдан ташқари, маҳорат дарсларида ҳам қатнашади. Шундай экан, уларни турар жой билан ҳам таъминлаш ҳам туризм ривожида, ҳам кулоллик маҳсулотлари савдоси яхшиланишида муҳим омил бўлади.

Марказ иш бошлагач, бугун кулоллик сирларидан воқиф бўлаётган, кўпчилиги талабага айланган шогирдлар биринчилардан бўлиб иш билан таъминланади.

Дилнозанинг "Марказни очиб олайлик, нафақат ёшлар, маҳалламиздаги ишсиз аёлларнинг барчасини иш билан таъминламоқчимиз", деган эзгу нияти бор. Сайёҳларни ҳайратга солаётган кулол аёлнинг ана шу нияти рўёбга чиқиб, ҳар йили энг яхши иш берувчи мақомини сақлаб қолишига чин дилдан хайрихоҳ бўлдик.

Дарвоқе, ҳунарманд пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтаётган "Craft Fair Uzbekistan" халқаро ҳунармандлик маҳсулотлари ва технологиялари ярмаркасида ҳам иштирок этяпти.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

МОЗИЙГА НАЗАР



# "Жалолиддин Мангуберди энциклопедияси" яратилмоқда



**Тарихда ўтган буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини оммага кенг тарғиб қилиш, ёшлар учун ибрат, ватанпарварлик тимсоли сифатида кўрсатишда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг ўрни беқиёс. Табиийки, бу ахборот манбаларининг барчаси илмий асосга эга бўлиши керак. Шундагина тарихий ҳақиқатлар холис ва ҳаққоний ҳолда кенг оммага етиб боради.**

Ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, илмий асос сифатида бирор-бир тарихий шахс ҳақида маълумот изланса, энг аввало, энциклопедияга мурожаат қилинади. Зеро, энциклопедия муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашрдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 29 августида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди монументини очиш тадбирида сўзлаган нутқида "Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, имон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади", дея таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида Жалолиддин Мангубердининг шарафли тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия, яъни қомус яратиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифа эканини алоҳида қайд этди.

Шу кунларда ушбу вазифани бажариш учун Хоразм Маъмун академиясида "Жалолиддин Мангуберди энциклопедияси"ни яратиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилиб, тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида Франция, Россия, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам универсал, ҳам соҳа энциклопедиялари нашр қилина бошланган. Ўзбекистонда ҳам 1971-1980 йилларда 14 жилдли "Ўзбек совет энциклопедияси" чоп этилган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг "Тошкент" энциклопедияси, 1 жилдли "Болалар энциклопедияси", "Хотин-қизлар энциклопедияси" ва 12 жилдли "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" яратилди. Айниқса, Бобур номидаги халқаро фонднинг ташаббуси, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши, ташкилий кўмаги билан "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" яратилганини халқимизга қилинган маънавий туҳфа десак бўлади.

— Ана шундай энциклопедиялар, табиийки, биз учун мактаб вазифасини ўтамоқда, — дейди Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, "Жалолиддин Мангуберди энциклопедияси" ишчи гуруҳи раҳбари Умид Бекмуҳаммад. — Энциклопедия яратиш заҳматли илмий меҳнат талаб қилади ва бунга кўплаб интеллектуал илмий ходимлар жалб этилиши керак. Бу борада академияда нафақат хоразмлик, балки мамлакатимиз, шунингдек, хорижлик илм аҳлини ҳам қамраб олиш, уларнинг ишларини умумлаштириш мақсадида "Жалолиддин Мангуберди энциклопедияси" телеграм гуруҳи ташкил қилинди. Гуруҳга озарбайжонлик профессор Алмаз Улвий, туркиялик профессор Мустафо Демиржи, шунингдек, юртимизнинг таниқли шарқшунос ва тарихчи олимлари ҳам жалб қилинган. Тайёрланган маълумотлар алифбо асосида умумлаштирилиб, таҳрир қилиб борилмоқда.

Маълумки, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти бўйича дунё тарихшунослигида кўплаб асарлар яратилган, тадқиқот ишлари олиб борилган. Ан-Насавий, Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашиддин каби ўтмиш муаррихларидан тортиб, К.Оссон, А.Мюллер, Ж.Бойль, В.Фишель, В.Одлен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готшальк, Б.Шпулер, Лен-Пуль, В.Розен, Е.Томас, К.Мейман, К.Витфогел, С.Босворт, В.Бартольд, А.Иқбол, И.Қафасўғли, О.Тонарий, В.Минорский, Е.Давидович, З.Бунёдов, Д.Тимохин каби юзлаб олимлар Жалолиддин Мангуберди, Чингизхон, Хоразмшоҳ-Ануштегенийлар, мўғуллар давлати, улар ўртасидаги курашлар тўғрисида салмоқли асарлар яратган. Олимларимиз бу асарларни бошқа манбаларга таққослаган ҳолда энциклопедия учун мақолалар тайёрлашга ҳаракат қиляпти. Шунингдек, Қ.Машариповнинг "Жалолиддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни", Б.Абдиримовнинг "Хоразмийлар изини излаб...", "Икки буюк саркарда ёхуд Жалолиддиндан Қутузгача", Васим Сажжаднинг "Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда" каби тадқиқотларидан ҳам керакли маълумотлар олмоқдамиз. Юқоридаги муаллифлар ва бошқа асарлар асосида ўтган даврда 20 босма табоқ ҳажмида мақолалар тайёрланиб, ҳозирда таҳрир ишлари олиб борилмоқда.

Ўйлаймизки, Хоразм Маъмун академиясида ташкил этилган ишчи гуруҳ "Жалолиддин Мангуберди энциклопедияси"ни яратиш бўйича суръатни пасайтирмай, дунё даражасидаги қомусни яратади ва бу халқимиз учун ажойиб маънавий туҳфа бўлади.

**Феруза ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 22:00